



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 28 июнь, чоршанба

№49 (11.234)

Эркин нархда сотилади

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Азиз дўстлар! Авваламбор, барчангизни миллий матбуотимиз байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу кун нафақат журналистлар, матбаа ва радио-телевидение ходимлари, балки ҳаётимизда, эзгу максадлар йўлида эришган натижаларимизда матбуотнинг ўрни ва маънавий эътироф этакдиган ва кадрларидан ҳар бир юртдошимиз учун ҳам муҳимдир.

Оммавий ахборот воситалари жамиятимизда кечаятган ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ўзгаришлар, демократик тамойилларни шакллантиришда улғувор ишларнинг фаол иштирокчиси, одамларимизни эркин фикрлашга ўргатадиган ва маънавий уйғоқликка даъват этадиган доимий ҳамроҳимизга айланмоқда. Бунинг замирида, шубҳасиз, журналистларимизнинг ўз касбига меҳр ва садоқати, оғир ва сермашаққат меҳнати мўжассам.

Бугунги таҳликали замонда ҳар қайси онгли инсон, ёши, касби-кори, лавозимидан қатъий назар ўзига руҳан яқин, қувонч таъшишлари, дарду ғамига шерик бўладиган бир суҳбатдош излайди. Менинг назаримда, матбуотни ана шундай суҳбатдошга қиёслаш мумкин. Айни вақтда шунга яқин аниқлаш зарури, бизнинг нозиктаб, кўпни кўрган, доно халқимизга муносиб

суҳбатдош бўлиш осон иш эмас. Бу барчамиз, авваламбор, матбуот, заҳматкашлари учун энг муҳим ва долзарб вазифа бўлиши керак.

Инсоният янги аср бўсағасида турган бугунги кунда ҳаётнинг ўзи Сиз оммавий ахборот воситалари ходимлари олдида эл-юртимиз тинчлиги ва хавфсизлиги, Ватанимиз равнақи ва фарзандларимиз камолоти каби буюк вазифаларни қўймоқда. Дунё ахборот оламида глобаллашув жараёни кўчайиб бораётган ҳозирги шароитда миллий матбуотимиз янада фаол бўлиши, халқимизни турли ғоявий таҳдидлардан, миллий тафаккур тарзимида ёт ақидалардан ҳимоя қилиши, жамиятимиз миллий истиқлол мафкурасининг шаклланишида алоҳида ўрин тутиши, маънавий ҳаётимизнинг ва муқаддас қадриятларимизнинг мустаҳкам ҳимоясига айланиши лозим.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиз хат-саломатлик, ғайрат-шижоат, ҳонадонларингизга тинчлик-омонлик тилайман.

Ҳаққоний сўз, теран тафаккур ва илҳом доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

ЖУРНАЛИСТЛАР БАЙРАМИ

Бугунги кунда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари жамиятимизда кечаятган ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ўзгаришлар, демократик ислохотларнинг фаол иштирокчиси, юртдошларимизни эркин фикрлашга ундовчи ва руҳий уйғоқликка даъват этувчи катта кўчга айланиб бормоқда.

Тошкентдаги Мирзо Улугбек номидаги сўлим богда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун муносабати билан байрам тантаналари ва сайли бўлиб ўтди. Ўзбек миллий матбуоти ва матбаачилигининг жонкуярлари, уларнинг фидойи устозлари, радио-телевидение ходимлари жамулжам бўлган бокка қалам аҳлини байрам билан қутлаш мақсадида вазириллар, идоралар, ташкилот ва муассасалар вакиллари таширф буюрди.

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ҳамраиси Х. Дўстмухаммедов байрам тантаналарини очар экан, мамлакатимизда кечаятган ижтимоий-сиёсий ислохотлар, юз бераётган улкан ўзгаришлар журналистларни демократик таъминларни шаклланти-

ришдек улғувор ишларнинг фаол иштирокчисига айлантираётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди. Айтиш жоизки, мустақиллигимизнинг илк давриданоқ юртбошимиз матбуот ҳақида тинимсиз ғам-хўрлик кўрсатиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида халқимизни турли ёт ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, миллий истиқлол мафкурасининг шаклланиши борасида матбуот ходимлари зиммасига муҳим вазифаларни оқлайди.

Маълумки, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан ҳар йили «Йилнинг энг яхши журналисти» танловининг ўтказилиши яхши аъна-

нага айланиб қолган. Байрам тадбирида мазкур танловнинг бу йилги ғолиблари — «Саодат» журнаlining бош муҳаррири ўринбосари Қ. Раҳимбоева, Ўзбекистон телевидениесининг рус тилидаги «Тахлилнома» дастури бошловчиси Л. Мервинская ва «Халқ сўзи» газетасининг Қашқадар вилояти бўйича мухбири Н. Равшанова ҳамжарамнинг дипломлари топширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Давлат Матбуот, Жисмоний тарбия ва спорт, Божхона қўмиталари, Мудофаа, Ички ишлар, Халқ таълими, Маданият ишлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги сингари вазирилари, бошқа идора ва ташкилотлар ҳам фаол журналистларга ўз совринларини берди.

Таниқли санъаткорларнинг музикаий чиқишлари байрамга алоҳида руҳ ва кўтаринкилик бахш этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Мелибоев, Президентнинг матбуот котиби А. Зиёев қатнашди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Нархлар эркинлаштирилган шароитда республика фуқароларининг ижтимоий муҳофазасини кўчатириш, аҳоли даромадларининг оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. 2000 йил 1 августдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юрлари талабаларининг, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юрлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,5 баравар оширилсин.

2. 2000 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан:

энг кам иш ҳақи — ойига 2450 сўм;
ёшга доир пенсия — 4675 сўм;

чи) разряд — ойига 2450 сўм;
болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 4675 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 2835 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўйилган уст-тама ва қўшимчаларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар 2000 йил 1 августдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирилиги, Меҳнат вази-

лиги, вазириллар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилот ва муассасалар мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет миқдорлари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошларини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларининг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджетини Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидида

корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлаш базавий фонднинг белгиланган миқдорларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда таннархни камайтириш ҳисобидан 2000 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 19 июлдаги ПФ-2339-сон Фармони 8-банди истисно қилинган ҳолда ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Мақамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш урасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2000 йил 23 июнь.

«Ғалла — 2000»

ЗАНГИОТАНИНГ ЗАЛВОРЛИ ҒАЛЛА ХИРМОНИ



туман ғаллакорлари ўн олти иш кунинда 6460 тонна хирмон уйиб, давлатга дон топшириш контрактация шартномасини вилоятда биринчи бўлиб бажардилар

ДЕҲҚОНЛАР ибораси билан айтганда, мўл ҳосилга эришиш — наф ташлаш ва уруғлиқни тайёрлашдан бошланади. «Экиннинг ўраси» деган нақлнинг маъноси шу. Зангиоталик ғаллакорлар бугунги «Улғбек», «Қалдирғоч», «Сангзор-8» навларини ташлаб, янгилашмоқда.

Бу навларни кўп йиллик тажрибада синовдан ўтказишди ва ҳеч иккиланмай, 2730 гектар майдонга ана шу навлар уруғини сеппишди. Экиннинг ҳолати ва талабига қараб озиклантиришди, суғоришди. Айниқса, бегона ўт босишидан эҳтиёт қилишди. Касал тушиш эҳтимолидан қўз-қулоқ бўлиб туришди. Хуллас, ғалладан мўл ҳосил етиштиришнинг асосий омилларини вақтида ва оби-тобида қўллашди.

Аммо деҳқонлар ҳосилнинг даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб, дейишарди. Зангиоталиклар бу шартга ҳам қатъий амал қилишди. Барча хўжаликларда ғалла ўримида олдидан пухта ҳозирлик қўрилди. Мавзуд комбайнларнинг қуввати ҳисобга олиниб, улар гуруҳларга бўлиниб ва қайси пайкалга қачон ўроқ солиниши лозимлигини белгилаб чиқиш, ҳаракат жадвали тўзиб олинди. Комбайнларнинг «уйлари» далага қўйилди. Улар ғаллазорлар бошида овқатланиб, шу ерда дам олишди. Комбайнларни ёниги билан таъминлаш ва техник хизмат кўрсатиш ҳам дала бошида бўлди.

Шу зayлда 10 июнь кунини туманда ғалла ўрими оммавий бошлаб юборилди. Айрим кунда далада далага ўнганча, шу жумладан, 7-8та «Кейс» комбайнлари юксак унум билан ишлатилди. Шу ўринда бир муҳим ғалла айтиш лозим. Одатда «Кейс» комбайни бир кунда 25-30 гектар майдонда ғаллани ўриб-янчиб бера олади. Бироқ Зангиота туманида «Кейс»ларнинг иш унумдорлиги 18-20 гектардан оширилмади. Сабаби шундаки, аксарият ғаллазорларда қўчат қалин, бошқоқлар бўлиб, Агар комбайн мақбўл тезликда бошқарилмаса, агрегатлар бор ҳосилни тўлиқ ўриб-янчишга улгурмай, маълум қисминини сочиб-тўкиб кетиши мумкин. Деҳқонга эса, аввало, бир кунда қанча майдонни ўриш эмас, балки гектаридан қанча дон олиш муҳимдир.

Ўрим пайтида комбайнлар ана шу мақсадга бўйсундирилган ҳолда ишлатилди. Кунига 130 гектаргача бугдой ўрилиб, 550-560 тонна дон янчиб олишга эришилди. Демак, гектар ҳисобига ҳосилдорлик туман бўйича ўртача 42-43 центнердан тўғри келяпти. Бу вилоятда энг юқори натижа дейиш мумкин.

Шундай қилиб, туман ғал-

лакорлари шу кунгача 1880 гектар майдондаги бугдойни ўриб-янчиб олиб, давлатга дон сотиш режасини вилоятда биринчи бўлиб бажардилар. Қабул пунктларига 6460 тонна сифатли дон топширилди. Ушбу ютукка гектаридан 46-48 центнердан хирмон қутарган «Иттифок» ва «Ўзбекистон» ширкат ва Навоий номида жамоа хўжаликлари, ҳосилдорлиқни 50-55 центнерга етказган «Бўзсув» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ва «Наврўз» ширкат хўжалиги айниқса, баракали ҳисса қўшди.

Туман ғаллазорларида ўрим-йигим қизгин давом этмоқда. Кунига 70-80 гектар майдон ҳосилдан тозаланиб, хирмонга 300-350 тонна дон тўкилмоқда. Қолган 840 гектар майдондаги ҳосил ҳам 8-10 кун ичида саранжомлаб олинади.

Абдусамал Йўлдошев,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
мухбири.

СУРАТДА: (чапдан ўнганча)
«Наврўз» ширкат хўжалиги бош пудратчиси Бахриддин Сайфиддинов, хўжалик бошқарувчи раиси Бокжон Фозилов, пудратчилар Асадулла Йўлдошев ва Абдулла Хошимов сўнги пайкаладаги ҳосил чўғини чамаламоқдалар.

Даврон АҲМАД олган
сурат.

ҚАПАМКАШЛАР ШАРАФЛАНДИ

Шу йил 26 июнь кунини вилоят Ички ишлар бошқармасида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун муносабати билан матбуот ходимларини шарафлаш маросими бўлиб ўтди.

Анжумани вилоят ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги Меҳмонқўжа Собиров қисқача кириш нутқи билан очиб, ички ишлар бошқармаси ҳамда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасидаги алоқалар ҳақида гапирди.

Вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Шорахмид Расулов матбуот ходимларини касб байрамлари билан қутлаб, уларга қилаётган улкан ишларида муваффақиятлар тилади ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг бир гуруҳини қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади.

Бир пайла чой устида ўтказилган анжуманда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Махмуджон Азимов бошчилигидаги санъаткорлар гуруҳи ўзларининг дилрабо қўшиқлари ва куйлари билан йилгиланларни хушнуд эттишди.

Ўз мухбиримиз.

АМАЛИЙ КЎМАК КУНЛАРИ

Оққўрғон туманида ҳам қўллаб-таъдбиркорлик тузилмалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг раҳбарлигига турли ташкилий ва ҳукуқий муаммоларни ҳал қилишда ёрдам кўрсатиш учун яна бир муҳим ва зарур ишга қўл уюлди.

Туманда ҳар ойнинг биринчи ва сўнги шанбаларида «Тадбиркорлар кўни» ўтказилган бўлди. Бу тадбирнинг дастлабкиларидек шахсий ва ҳусусий бизнес билан шу-

гулланаётган ишбилармонларда катта қизиқиш уйғотди.

Бундай кунларда туман прокуратураси ходимлари билан бирга туман ҳокимлиги, солиқ инспекцияси, банклар ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг вакиллари қатнашмоқдалар. Улар тадбиркорлар, деҳқон, фермер ва ширкат хўжаликлари раҳбарларига ҳуқуқий ва бошқа мавзуларда амалий маслаҳат беришмоқдалар.

Ўз мухбиримиздан.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ЎЗ ЎТМОҚДА СОЗ

Охангарон шаҳрининг 1-, 2-, 4-, 5-мактабларида эзги соғломлаштириш оромгоҳлари очилди. Бугунги кунда уларда 400 нафар болагонлар эзги таътиллари хушнуд ўтказмоқдалар.

Мазкур оромгоҳларда эзги таътил даврида яна 400 бола дам олади. Болагонларнинг яхши дам олишлари учун сай-ҳаракат қилаётган вилоят фан ходимлари касабга уюшмаси қўмитаси 702 минг сўм пул ажратди. Шунингдек, «Охангаронцемент», «Охан-



гарондон», «Охангаронлин-пласт» ҳиссдорлик жамиятлари ҳам 250 минг сўмдан маблағ ажратган.

Ўз мухбиримиз.

ШЕЪРИЯТ БИЛАН УЧРАШУВ



Ўртачирчиқ туманидаги «Меҳржон» сихатгоҳида шу кунларда Орол бўйидан, хусусан, Тўртқўл, Хўжайли, Элиққалъа туманларидан келган 360 бола ҳам даволаниб, ҳам мириқиб хордиқ чикармоқда. Бу ерда болалар учун ранг-баранг мавзулардаги ҳужжатли, бади-

ий, ва мультфильмлар намоиш этилмоқда. Турли спорт ўйинлари ўтказилмоқда. Кунга кеча болалар хузурига бир гуруҳ иходкорлар — шоирлар Темур Убайдулло, Ҳамид норкул, Маъмур Бозорали ташриф буюрдилар. Шеърхонлик ўзига хос танловга айланиб кетди. Ижодкор ўқувчилар бирин-кетин ўзлари ёзган ижод намуналаридан ўқиб бердилар. Хайят уларнинг энг яхшиларини ажратиб, туман газетасида чоп этилишига тасвия қилди.

Арофат РАЗЗОҚОВА.

ҒОЛИБИНИ МАҲАЛЛА АНИҚЛАДИ

Қибрай туманидаги Ғафур Ғулом маҳалласи Хидирли Эргашев кўчасида истиқомат қилувчи қизалоқлар ўртасида «Гулгунчалар» курик-танлови бўлиб ўтди.

Ота-оналари, бувижонлари ва болагонлар қурувида ва ҳакамликда бўлиб ўтган бу тадбирда 12 нафар қизалоқлар ифодали шеър ўқиб, рақс тутиш, қўшиқ айтиш, ўй юмушлари пишиқ-пухта бажариш борасида басма-бас кураш олиб бордилар.

Қақажонларнинг ўзига хос мусобақасида танлов



ғолибини аниқлаш ҳайбат аъзоларига осон бўлмади. Бу бахсда Хилола Мирсанова курик-танловнинг мутлақ ғолиби деб топилди. Унга маҳалла фаоллари номидан китоб ва гуллар совға қилинди.

ТАШЛАНДИК ЕРДА —

ЎЙИНГОҲ



ларда қатнашмоқда. Корхона ҳудудидидаги каттақон ташландик ер, ўйингоҳга айлантирилди. Шу йилнинг узида 200 минг сўмлик турли анжомлар сотиб олинди.

Яқинда спортнинг 7 тури бўйича корхона спортчилари ўртасида спартакиада бўлиб ўтди. Ғолиблар август ойида Ангрн шаҳар кўмир тизими корхоналари бўладиган мусобақаларга жиддий тайёргарлик кўришмоқда.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

«ПЛОМБИР», «ЭСКИМО», «МЕВАЛИ»...

«Тошкент» акциядорлик жамияти турли хил озик-овқат маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бermoқда. Унинг бўлинмалари орасида музқаймоқ, чеҳи пешақамлик қилаяпти. Иссиқ кунлар бошланиши билан бу хузурубаш маҳсулотга талаб ортиб кетди. Бунга ҳисоба олган чеҳ жамоаси суръатга суръат қўшиб ишламоқда.

12 нафар ишчилардан таркиб топган меҳнат ахли музқаймоқнинг «Пломбир», «Эскимо», «Мевали» ва бошқа қатор турларини ишлаб чиқармоқда. Ҳозирги вақтда ундан ҳар кун 350 килограммгача тайёрланмоқда. Бундай маҳсулотлар корхона жойлашган



Тошкент туманидан ташкари республикамиз пойтахтининг Юнусовод, Собир Раҳимов ва бошқа туманларидидаги савдо шаҳобчаларига ҳам етказиб бериляпти. Жамоанинг самарали ишлашига механик Николай Гавришкин, ишчилардан Ноносири Исмоилов, Қурбон Умировлар муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Даврон АҲМАД.

ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЭРТАГА
29 ИЮНЬ КУНИ

Марказий «Пахтакор» ўйингоҳида Ўзбекистон Республикаси кубоги учун Тошкент вилоятининг «Дўстлик» ҳамда Самарқанднинг «Самарқанд-Д» жамоалари ўртасида финал учрашуви ўтказилади.

Ўйин соат 18.00да бошланади. Ўйингоҳга марҳамат!

СЎНГИ ҲИТ БЕРИЛМОҚДА

БУ ЙИЛ Юқоричиқ туманидаги «Ийкота» қишлоқ хўжалик ширкати пахтакорлари 830 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 28 центнердан ҳосил олиш мақсадида гўза парваришини қизгин давом эттирмоқдалар.

Ғўзаларнинг текис гулга кирганидан кўриниб турибдики, бу йил режадагидан ҳам ошириб ҳосил олиш имконияти бор. Бунинг учун эса навбатдаги парвариш ишларини оби-тобиди ўтказиш талаб этилади. Бунинг тўғрисида шундан пудратчилар астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Жами пахта майдони 111та пудратчи оилага бўлиб берилган. Улар иккинчи сувдан чиққан Ғўзаларга сўнгги ҲИТни солишиб, культивацияга зўр бермоқдалар.

СУРАТДА: (чандан ўнға) хўжалик бош ҳосилоти Юрий Ногай, пудратчи Гулнора Эшмуродова ҳамда бош пудратчи Музаффар Султонов ёппа гулга кирган гўза ривожини кўздан кечирмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.



Саховат

САВОБ ИШНИНГ ЭТАГИНИ ТУТИБ

Мусулмончилиқнинг бешта фарзларидан бири ҳаж амалларини адо этишидир. Собиржон ҳам ҳаж сафарига боришни дилига тугиб қўйган. Бундан бир-икки йил муқаддам Собиржон Арслонов истиқомат қиладиган маҳалланинг яқинида жойлашган ҳудуддаги уйларни сел олиб кетди. Натижада 11 наҳондон умуман бошпанасиз қолди. 70дан зиёд оила катта миқдорда иқтисодий зарар кўрди.

Табиий офат тўғрисида катта зарар кўрган маҳалла ахли олдида талай муаммоларнинг ечимини топиш учун зудлик билан йўл ва кўприк қуриш зарур эди.

Янги қуриладиган уй-жойларни газ, электр энергияси, тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ҳам қўндаланг турарди. Собиржон умр йўлдоши Адолат билан маслаҳатлашди.

— Ҳайрли ишнинг эрта-кечи йўқ, дейишди. — гап бошладилар Собиржон. — Кўшини маҳалла аҳлисининг бошқаси ана шундай қўндаланг турарди. Биз сафарига биз сафарига олгансак ярашмас керак. Ҳаж сафарини кел чекитирамиз.

Эр-хотин бамаънафъ режа тузишди. Улар ўзларининг шахсий маблағлари ҳисобига 10 минг метр квадрат йўл ҳамда кўприк қуришга қарор қилишди.

Шундан сўнг «Сабр» хусусий кичик корхонасининг раҳбари Собиржон Арслонов ариза билан «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар

йўғинига мурожаат қилди. Унинг бу ҳайрли ташаббуси «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар йўғинида маъқулланди.

— Бундай эзгу ва ҳайрли иш ҳаммининг ҳам қўлидан келар-келмайди. — дейди «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар йўғини раиси Саидкул Йўлдошев. — Қомил инсонгина ана шундай савоб ишни қилишга қодир.

Кези келганда шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, «Сабр» хусусий ишлаб чиқариш кичик корхонасига «Ўзбекистон» қишлоғи ҳудудидан 2 гектар ер ҳам ажратилган. Бу ер ташландик жой бўлиб, ҳарлик ва чиқиндилардан иборат. Собиржон Арслонов шун қўндаланг аша шу ҳудудни ҳам ўзлаштириб, ободонлаштириш учун катта сарф-харажатларни бошлаган. Вақти келиб бу ерлар ҳам обод ва кўркам бир масканга айланди.

Тошкентбой ОЛИМШИҚОВ, Орзиқул МАЪМУРОВ.

МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ КЎПАЙМОҚДА

Оҳангарондаги «Эйвалек-маҳсулестемирбетон» очик турдаги ҳиссдорлик жамияти уч сменада ишлаб бошладилар. Натижада асосий буржумчани — «Ўзбекистон» темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси эҳтиёжи учун бир кеча-кундузда етказиб берилаётган темирбетон шпаллари сони 2-2,5 минг донага етди.

Корхона маҳсулотлари асосан узунлиги 440 километрдан ошадиган «Навоий — Учқудук — Султонувастор — Нукус» ҳамда «Учқудук — Мискен» йўналишларидаги янги темир йўл қурилишларида ишлатилмоқда. Бу ерда тайёрланаётган темирбетон қувурлар ва кенг истеъмол моллари эса хорижа ҳам чиқаришмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида корхонада ялпи ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга кўпайиб, 40 миллион сўмга етди. Июнь ойидан ишчи-хизматчиларнинг маоши 30 фоизга оширилди.

Н. ДУШАЕВ, ЎЗА МУХБИРИ.

Дунёнинг ишлари қизик. Айримлар бор, елади-югуради, яратди, қуради. Баъзи бировлар эса ўзи билган ва билмаган ҳолда сен қўрган нарсани тўз-тўз қилади. Танглай чорвачилик билан кўтарилган Ваққос ота Абдуллоҳов эсини танибдики, йўқдан бор қилиш билан шуғулланади.

Илмгоҳни тугаллаб, мол дўхтири иختисослигини олган Ваққос Тошкент туманидаги «Тошкент» хўжалиги фермасида меҳнат қила бошлади. Армия сафида бурчини ўтаб келган, яна ўша жойда ишнинг давом эттириди. Тажриба ортирди. Малакаси чарчанди, шундан сўнг фермага мудирлик қилди. «Тошкент» хўжалиги иккига ажралган, у собиқ «Ленинград» ҳозирги Тўлаби номи жамоа хўжалиги фермасида ишлаб бошладилар. Астойдил ишга киришди. Фермани оёққа турғазди. Қорамоллар бош сонини кўпайтирди. Ҳар бош соғин сиргидан йилга 3-3,5 минг литрдан сўт соғиб олинарди. Шунингдек, 60-70 тонна гўшт ҳам топширилди. Лекин нима ҳам бўлди-ю, Ваққос отанинг ўша пайтдаги хўжалик бошқаруви раиси билан фикри келишмай қолди. Ади-бади айтишиб, ўзининг ҳақини исботлаб ўтиришни фойдасиз деб билди. Елкасига чопонини ташлаб, фермадан чиқиб кетди. Мустақил равишда фермер бўлиб фаолият кўрсата бошлади. Бу орада нафақага ҳам чиқди. Ишни давом эттирди. Вилотдаги илгор чорвадор фермерлар қаторидан ўрин олиб, тилга тушди.

... Ўша пайтда фермаларни хусусийлаштириш удуи бўлаётган эди Ваққос ота ишдан кетгач, шу жамоада ишлайдиган мутахассис Тошпўлат Ҳўжамуродов фермани хусусийлаштириб олди. Унинг нияти яхши эди, албатта. У «шундай қиламан, бундай қиламан», деб ҳиссдорлар билан ҳамкорликда ишлаб, ўзича «янглик» яратишга ҳаракат қилди. Ферманинг моддий бойлигини кўпайтирмади, деб ҳатто қўшимча ёрдамчи цехлар қурди. Янги иш жойлари яратди. Бу ҳақда хатто газетда «Хусусийлашган фермаларда» руҳида мақола ҳам босилиб қолди.

Хўжаликка янги раис бўлиб келган Султон Ҳамидов тадбиркорнинг сўзларига, ваъдаларига ишонди. Ёб кетарга бўлса ҳам майли, иш қилиб юзинини ерга қаратманг, деб ёрдамчи амади. Хўжамуродов билан барбир ферма жамоатчилиқнинг мулки-ку! Ишлар юришиб кетса элга нафи тегади!

Лекин Тошпўлат Ҳўжамуродов қанчалик ҳаққат қилмасин хусусийлашган фермада ишлар тобора олдинга босиб ўрнига орқага қараб кета бошлади. Мол бош сони йил сайин камайиб кетди. Лекин Тошпўлат сир бой бермаслик ҳаракат қиларди. Барбир бўлмади. Ферма бора-бора инкирозга ўтди. Раис қараса бўлмайди. Жамоатчилиқнинг талаби, умумий мажлисининг қарори билан ферма хўжаликка қайтариб олинди. Бу вақтга келиб бор-йўғи 50тага яқин қорамол қолган, уларнинг ҳам аҳволи ачиқарли эди.

Энди фермани кимга топшириш керак? Кўпчиликнинг фикри билан Ваққос отани ишга қайтаришга аҳд қилдилар. Лекин ота кўнмади. Уни тушунса бўларди. Биринчидан, ёши бир жойга бориб қолди, иккинчидан ҳозирги фермерлиги ҳам

ўзига етиб ортади. Бошига янги ташвишни орттириб нима қилади!

Лекин раис қаттиқ туриб олди. Отаҳон, тушунинг, сиздан бошқа одам эппай олмайд, биз ишингизга сира аралашмаймиз, лекин қандай ёрдам сўрасангиз аямаймиз, деб ваъда берди. Ориятли, виждони пок, фидойи инсон Ваққос ота жамоатчилиқнинг юзидан ўтолмади. Тўққиз йилдан сўнг яна фермага қайтди. У кўп ўйлади. Ишни нимадан бошлаш зарур. Албатта, энг аввало ферманинг, молхоналарнинг уёқ-бўғига қараб, имкони борича таъмирдан чиқариб, эпаккага келти-

ВАҚҚОС ОТА ФЕРМАНИНГ АВВАЛГИ ШУҲРАТИНИ ТИКЛАЙ ОЛАДИМИ?

риш керак. Битта молхона эса зудлик билан ҳашар усулида таъмирдан чиқарилди. Лекин мавжуд сирларнинг ҳолига маймун йиғларди. Ваққос ота эслади. Иккинчи соғувчи ишлаб юрарди. Сирлардан бор-йўғи бир-икки литрдан сўт соғиб олишаркан.

Бундай сирлар билан узокка бориб бўлмайди. Уларни сарганини саракка чиқариш керак. Янги тикланадиган рўзгорга эса, албатта, маблаг зарур. Ҳўш, уни қаердан ола бўлади? Ҳозир бировдан сўраб ўтирадиган замон эмас-ку! Мард бўлиб олдинги, Ваққос, мардларча иш тутгин, деди ўзига ўзи. Ҳаёлига бир фикр келди. Чиқтига чикариладиган сирлардан тўрт-бештасини сотиб, чўчкачиликни йўлга қўйсаммикин? Агар битта она чўчка бир йилда 1-1,5 тонна гўшт беради. Нархи анча қиммат. Харидорлар ўзлари келишиб олиб кетишди.

— Яхши ўйлабсиз, — деди раис, — така бўлса ҳам сўти бўлсин, дейдилар-ку!

Шундай қилиб раиснинг қўллаб-қувватлаши ва далдаси билан тез даромад берадиган янги тармок ҳам ишга тушди.

Раис бўғина эмас, ҳар бир ишда Ваққос отани қўллаб-қувватлаб унга ёрдам бериб турди. Озука базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратди. Энди фермада ишловчиларни танлаб олиш керак эди.

Шу ҳақда ўйлар эсан, шоғирди Абдусаммад Мўминов эсига тушиб қолди. Бу ёш йигит ўзи ишқибоз, талабгор бўлиб фермага ишга кел-

ган эди. Тезда бу қасбнинг миридан-сиригага ўрганиб олди десак муболага бўлмайди. Халол, пок, виждонли йигит бирор нарсга аҳд қилдими, албатта, уйдасидан чиқмасдан қўймас эди. У бирон нима дунёқараш, мустақил фикри бор эди. Шунинг учун ҳам раҳбарлар билан келишолмай кетиб қолган. Ваққос отанинг эшитишига қараганда тижорат ишлари билан шуғулланаётган эди. Ота катта бошини кичик қилиб Абдусаммаднинг олди-га борди. Қўйнига кўп солди. Яхши билан, болам. Хали ҳам чорвачиликка илҳосинг баланд. Бу сован севасан. Кел, қўй, тижоратини, фермага қайт, биргаликда ишлайлик! Абдусаммад ҳам устозининг

пулга мол, техника сотиб оламиз. Кичик фермани ҳисобиди 5 гектар еримиз ҳам бор. Яна икки гектар ер беришяпти. Кўпроқ сўрасам ҳам, раис йўқ демайди, лекин ҳозирча бўлади, деб ўйладим. Нафсиллаббирини айтганидан бўлсак, гап гектарнинг кўпчилигиди эмас, ундан қай даражада фойдаланишда. Биз ҳар қарор ердан оқилона фойдаланиб, кўпроқ озука етиштиришга ҳаракат қилаёلمиз. Дейлик, бир ярим гектар бугўйдан камида 5 тонна дон олимоқчимиз. Шарномадаги топишгач, қолгани ўзимизники бўлди. Дон учун эълган мақкажўҳори ҳам яхши етиляпти. Тегиридон бор. Ем қиламиз. Ўтган йили кичик фермадан 1 миллион сўм даромад қўлган эдик. Бу йил яна кўпаяди. Ҳуллас, кичик ферма қайтариб олган фермаизининг ишига асло ҳалақат бермаяпти. Қайтага бирини иккинчиси тўлдиряпти. Қолаверса, раисимиз билан келишиб олдик, хўжалик фермасига тегишли молхоналардан биттасини кичик фермаизига ажратиб бермоқчи бўлдилар. Шундай қилинса, ишларимиз яна ҳам яхши бўлиб кетади. Ҳозир хўжалиқнинг қайтариб олинган фермасида 70 бош қорамол боқилмоқда. Шулардан 10 таси соғин сиргир. Келгуси йилда уларнинг бош сони 100 тага, сиргилар бош сони 20 тага етказилади. Қишлоғига етарли озука жамғариб қўйиш учун ҳамма имкониятимиз бор. Чўчкачиликка ҳам эътибор асли сўсаймайди.

Мен ўша кунни фермада бўлиб, 64 ёшга кирган бўлишига қарамай олиб-югуриб меҳнат қилаётган Ваққос отанинг ғайратига, шижоатига қойил қолдим. Ўтган қисқа вақт ичида катта ташкилий ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлдим ва раисга:

— Ваққос ота ферманинг аввалги шухратини тиклай олармикимлар? — деб савол бердим.

— Асосий мақсад ҳам шу, — дейди раис. — Лекин бунинг учун вақт керак.

Бу саволга отахон ҳам худди шундай жавоб бериб, баъзи бир шарҳларни қўшимча қилдилар.

Биласиз, — деди отахон, — битта сирларнинг дунёга келиши учун камида ўн йил керак. Бунинг учун энг аввало наслига, зотиға эътибор бериш зарур. Менинг ўзимга тегишли хусусий фермада айрим сирлардан кунига 30 литрга етказиб сўт соғиб оламиз. Биз иложи борица ана шундай говмуш сирлардан олинмадиган урғочи бузоқларни кўпайтириб, фермани тўлдириб, борамиз. Иккинчиси озука. У қорғозда эмас, амалда, ҳар бош мол ҳисобга олиниб, тайёрла-

ниши ва яхши сақланиши керак. Бу иш ҳам қўлимиздан келади. Учунчи астойдил меҳнат қилиш. Агар бу муҳим омилга етарли эътибор берилмаса, юқоридagi икки омилнинг аҳамияти қолмаслиги ҳеч гап эмас!

Одатда тажрибали, андишали, мулохазали, ишбилармон одамлар етти улач бир кесиб, топиб гапирдилар. Ва табиийки, берган сўзлари, ваъдаларининг, албатта, уйдасидан чиқадилар. Биз бунга қатъий ишонамиз.

Носир РИХСИЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг

XX асрнинг сўнгги юлдузлари

ЕР ЮЗИДА ҚАБРИ ЙЎҚ ОЛИМ

Инсон хотиралари, саргайган фотосуратлар йилларнинг сир-асрорларини ўзларида сақлайдилар. Ўтиб кетган буюк зотларнинг феъл-атворлари, ажабтоғур одатлари, меҳрибонлиги буюклигини ана шулардан қўриб, ўқиб, билиб оламиз.

райн қўли орқали қўшни Вермонт штатида борадилар. Бу ердаги пристанда газета сотиб оладилар. Унинг биринчи бетигада хабарни ўқиб, буткул ўзларини йўқотиб қўйдилар: Хиросима шаҳрига биринчи атом бомбаси ташланган эди. 8 августда эса Эйнштейннинг шахсий қотибаси Элен Дукас Лили Калерга шундай деб ёзган эди: «Мабода яна бир кун мен билан қўндаланг ҳолатда дуч келардим. Бу атом бомбаси Хиросима устидида эмас, менда портлагандек бўлди. Мен бу иш қанчалик бўлишини билардим. Эйнштейн ҳам факат шундай хавотир оларди. Хатто бу ҳақда 1939 йилда президент Рузвельтга ёзган эди. Мен ушбу хатни ўқиган эдим. Хатто тун ярида ҳам тинчлик йўқ».

Ҳаммаёқдан Принстонга телеграммалар ёғилиб кетди. Барча газеталар атом бомбаси Хиросима ва Нагасаки устидида портлатилиши муносабати билан Альберт Эйнштейннинг даёнат беришини талаб қилардилар. Лекин олим бундан нима дейишдан бош тортарди.

Эйнштейн аслида хатларини жуда яхши қуради. У бирорта хатни жавобсиз қолдирмасди. Хатто Моника исмли қиз «Сизга келган хатларини конвертдаги маркарларни менга юбурсангиз, мен уларни коллекция қиламан» де-

ганида, шунчалар буюк бўлишига қарамай Эйнштейн шу илтимосни зўр ҳафсала билан бажарганди. Жаҳондаги жуда кўплаб илмий ташкилотларнинг фахрий аъзоси бўлган, физикада янги аср атом асрини бошлаб берган Альберт Эйнштейн доимо ғайриоддий, ҳали ўрганилмаган ангилларга интилган эди. У қадимги юнон эъзувчиларига, айниқса, «тарихнинг отаси» Геродотга чўқур эҳтиром билан қарарди. Лили Калернинг хотирлашча, Геродот қаламига мансуб бўлган тарих китобини бир сатрини ҳам қўймай ўқиттирган экан. У буюк олим бўлиш билан бирга гаройиб шахс ҳам эди. У Принстон билан бирлашиб кетган эди. Эйнштейннинг ҳаётига маълум аллоҳи сифатида, айни пайтда қўшмоқ, олижаноб, жиндақ тортиноқ инсон сифатида ҳам биларди. Жуда кўплар Принстонга келиб у билан учрашиб иш-тиекда эканликларини билдирганлариди, у ажабланирди: «Мени Эйнштейн эканлигини қаердан биласизлар? Мен тамом бошқа одамман-ку!» Бир қал қўчадан келатганда ўткинчи киши ундан: «Профессор, нахотики бу дунё отам урушларида йўқ бўлиб кетди?» деб сўраганда Эйнштейн: «Бундай бўлса, жуда қайғуга ботардик. Биз Моцартнинг мусикаларини эшитолмай қолардик», деган эди.

Эйнштейн борган сари хонага қамалиб олди, соқини-

на ўтиришни одат қила бошлайди. Еки Саранак қўлига чиқиб, қайқиди кечгача сайр қиларди. Кейин хатто тонг отгунча турли-туман бошқориларди, кроссвордлар ечишга шўнғиб кетарди. Бу ишни физикадаги формулардан ҳам яхши кўрмасди.

Шундай буюк олим ҳеч ўзини энгил-бошига қарамасди. Доим пахтадан тайёрланган қўллак-шимларни қийиб жуверлардан. Унга тузукрок энгил-бош олиб келиб беришса, худди боладек севиноқ кетарди. Кейин даровор бу янги кийимни унутарди, эскисини қийиб оларди.

Альберт Эйнштейннинг орқасидан бир умр шон-шухрат қувиб юрди. Лекин у бирон марта мен шунча олимман, ҳаққура крмади. Ҳали ниятда камтар тулди. Хатто бир марта (бу 1952 йилда бўлган эди) унга Исроил президенти бўлишни таклиф этишган эди. У жуда ҳайрон қолган эди. У ўзини суратга оладиган сураткашга, расом, ҳайкалгарошларга умуман бефарқ эди. «Уларга шу керак экан, шу билан тирикчилик қилишар экан, ишлаверсинлар, мени бевозта қилмасалар бўлди» дерди. У мана шундай яшайди.

Альберт Эйнштейн умрининг охириги кўнлари ниятда қайноқ кечди. У кечаюқундуз, бир лаҳза ҳам тиним билмасдан тинчлик учун курашди. Бу баяндавров гап эмас, бу ҳақиқат эди. Унинг яхши ниятлар учун яратган,

яхши ишлар учун яратган формуласи бунчалар қабохатга айланганга қидаб туролмади. 1955 йилда у Бертран Расселнинг қақирғига биринчи бўлиб имзо чекди. Дунёга таникли олим Эйнштейн ўзи яратган физикавий қонунлар, формулалар унга катта бахтисизлик ола эди. Лекин у бирон нарсани ўзгартиришга қодир эмасди. Улимига беш-олти кун қолганда у мултоқо гапириб қўйди. Ким билсин, балки инсоният олдида ўзини гуноҳкор сезгани учун ҳам охириги кўнлари таваб қилгандир. Унинг бир сўзи эса ҳаммининг едиди қолди: «Хамма нарсаси ўзгарди. Лекин инсон ўзгармайди. Хали яна бир-икки аср диққат марказида туради».

«Менинг қабримга келгувчиларнинг мушуқлини осон қилмоқчиман». Буюк олимнинг охириги сўзлари шундай бўлди. Васиятига кўра Альберт Эйнштейннинг жасадини унинг дусту ва шахсий шифокори Отто Натан ёқиб қулини уммон узра сочиб юборди.

Эйнштейн ўлганида Америкадаги газеталардан бирида фазоларда чарх уриб уаётган ер шарининг сурати эълон қилинган эди. Унинг тағида эса «бу ерда Альберт Эйнштейн яшаган» деган ёзув бор эди.

Темур ЙЎЛДОШЕВ.

(ҲАЖОН ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАДИ).

ИШЛАРИ

ДАРОМАД ОШИМОҚДА

Олимларнинг ҳисоблашча, дунё бўйича 1999 йилда фазовий тадқиқотлар соҳасидан олинмаётган даромад 96 миллиард АҚШ доллариға етган. Аввалги йили бу кўрсаткич 87 миллиард АҚШ долларини ташкил этган эди.

ТОҒОРАДА СУЗИБ

Уч нафар қизикқон ҳеҳиялик кир ювилмадиган тоғорада Ославу дарёсидан сузиб ўтди. Улар ушбу муваффақияти билан «Гиннес»нинг рекордлар китоби»дан жой олмоқчи.

ТАБИЙ ИХТИРО

Хитой ҳукумати кейинги ўн йил давомида Пекин атрофидаги 4,3 миллион гектар майдонга қўқат ўтказишни режалаштирмоқда. Дарахтлар Гоби қўлидан Пекин шаҳрига ёпирилиб келатган кум бўронларига тўсқ бўлади.

МИЛЛИЙ АСАРЛАРГА ЭЪТИБОР

Бразилия Президенти Энрике Кардозу маҳаллий кино қўйиш муассасаларининг фақат хорижий фильмларини эмас, йилига камида ўттизта миллий асарни ҳам намойиш қилишини кўзда тутувчи фармонга имзо чекди.

СОЛИҚДАН ҚУТИЛИШДИ

Финляндияда фуқаролар бундан бунда давлатга солиқ тўламайдиган бўлди. Мамлакат солиқ тўловчилари уюшмаса эса ҳар йили бажарадиган мураккаб ҳисоб-китоб ишларидан қутулди. Бундан даштарин соқилдан тушадиган даромади қўйиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин. Хабарларга қараганда, ҳозир умумий даромаднинг тенг ярми солиқлардан келяпти.

ФЕСТИВАЛЬ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги мустақиллигимизнинг 9 йиллигига бағишлаб ташкил этган Умумармия аскарлар кўшиги фестивали якунланди. Тошкентдаги Алишер Навоий номи санъат саройида ушбу фестивалъ голиблари ва эстрада хонандаларининг якуний гала-концерти бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон — Ватаним» республика кўшиқ байрами доирасида ташкил этилган мазкур фестивалъ бу йил тўққизинчи марта ўтказилди. Аввалги йилларда унинг қатнашчилари қўйлаган кўшиқлар ҳозирда гарнизонлар, ҳарбий қисмлар, олий ҳарбий билим юртиларда янграмоқда.

Ўзбекистон мудофаа вазири, генерал-полковник Ю. Аззамов голибларни тақдирлар экан, Қуролли Кучлар сафидаги ёшларга миллий ифтихор, юртга садоқат, мардлик ва жасорат туйғуларини синдиришда мазкур фестивалъ муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Бу галги фестивалда ижодий жамоалар, ижрочи муаллифлар, яхкахон хонандалар, профессионал ижрочиларнинг ўттизга яқин кўшиги ижро этилди.

Фестивалнинг «Ўзбекистон — Ватаним меним» йўналиши бўйича «Ҳарбийлар кўшиги» учун Қуролли Кучларнинг марказий ашула ва рақс дастаси хонандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, катта лейтенант Марат Ҳакимов ҳамда Тошкент ҳарбий олий билим юрти хор жамоаси биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.



Маърака ту-
габ, икки ошна
— Расул ота билан
Мўмин тоға аста
йўлга тушишди. Гурунг
авжига чиққанда Мўмин
тоға бир дарахтнинг таги-
да тўхтади. Томирлари
уйнаб кетган қўллари бил-
лан дарахтнинг гадир-бу-
дир танасини сийпади.

— Мўминбой, дарахтга
айланишиб қолдилар, —
сўради Расул ота.

— Э, бу жуда табаррук
дарахт, — чуқур нафас ол-
ди Мўмин тоға. — Келинг,
шу ерда бирпас ўтириб,
тиловат қилайлик. — Ти-
ловатдан кейин Мўмин тоға
аста сўз бошлади. — Би-
ларимдингиз, Раҳматали
деган бир феъли юмшоқ
киши буларди. Ўзингиз
«Худо ҳаммани тупроқдан

ЯХШИНИНГ МЕРОСИ

бунёд этгану сени пахтадан
яратган», деб қулиб юрадин-
гиз-ку.

— Ҳа, ҳа, — Расул ота ҳам
дарахтга айрича меҳр билан
қаради. — Бу дарахтни Раҳ-
матали эккан денг-а, жонивор
жуда улғайиб кетибди.

Икковлон Раҳматалининг
болажонлигини, ёшу қарига
меҳрибонлигини эслашди.
Бир куни невараси боғчага
бормайман, деганда раҳматли
уни опичлаб обдоргани, бошқа
болаларнинг ҳам ҳаваси ке-
либ, ялинишганда уларни ҳам
опичиб ўйнатганини Мўмин
тоға қулиб-қулиб сўзлаб бер-
ди.

Дарахт тагидаги ариқдан

шилдираб сув келиб қолди.
Каттагина ҳовузча бир зумда
обиҳаёт билан тўлди. Икки
ошна юзу қўлини чайиб шу-
кур қилишди.

— Шу ариқни ҳам Раҳматали
кавланган, — деди ўйчан
Расул ота. Шу-шу, мана,
арикнинг номи Обиҳафмат
бўлиб кетган, дейишди.

Рўпарадаги эшик очилиб,
бир-иккита бола чоғиб чиқди.
Отаҳонларга шовиб салом бе-
ришди-ю, қий-чүв қўтаришди.

— Ҳовузчага сув тўлибди!
Мазза қилиб қўйилмаз...

Болаларнинг орқасидан
чиққан ўрта яшар киши ота-
хонларнинг ёнига илдам кел-
ди. Тавозе билан саломлаш-

Ибратнома

«Ҳеч ким меҳримдан чет-
да қолмасин», деб қулоқ
кериб турган инсонга
ўшарди. Мўмин тоғанинг
дилидан пайғамбаримиз-
нинг: «Мўминнинг ўлими-
дан сўнг ҳам (унинг фой-
дасига) ёзилиб турадиган
амаллар: тарқатган илми,
қобил фарзанди, мерос
қолдирган Қуръони, қур-
ган масжиди, меҳмонхо-
наси, келтирган суви,
соғлиқ ва ҳаётлик пайти-
да қилган садақасидир»
деган ҳадиси ўтди. Овоз
чиқариб айтган эди, Ра-
сул ота ҳам маъқуллади:

— Раҳматали жаннати
одам эди. Ҳамма ҳам
шундай бўлса қош-
қийди.

— Кенжа ўғлиман, — деди
йигит.

Ҳовли шу қадар ораста
эдики, икки мўйсафид эшик-
дан кириши билан бир лаҳза
тўхтаб қолишди. Оталар дуои
фотиҳа қилишди, бир пиёла
чай устида Раҳматалини хо-
тирлашди. Қайтишар экан,
Мўмин тоға яна бир бор да-
рахтга қаради. Дарахт худди

«Ҳеч ким меҳримдан чет-
да қолмасин», деб қулоқ
кериб турган инсонга
ўшарди. Мўмин тоғанинг
дилидан пайғамбаримиз-
нинг: «Мўминнинг ўлими-
дан сўнг ҳам (унинг фой-
дасига) ёзилиб турадиган
амаллар: тарқатган илми,
қобил фарзанди, мерос
қолдирган Қуръони, қур-
ган масжиди, меҳмонхо-
наси, келтирган суви,
соғлиқ ва ҳаётлик пайти-
да қилган садақасидир»
деган ҳадиси ўтди. Овоз
чиқариб айтган эди, Ра-
сул ота ҳам маъқуллади:

— Раҳматали жаннати
одам эди. Ҳамма ҳам
шундай бўлса қош-
қийди.

Темур
УБАЙДУЛЛО.

«ҚУЁШ» БОЛАЛАРИ

«ҚУЁШ» деб аталган исми жисмига
мос Юнусободдаги 301-болалар боғча-
сида 135 болажоннинг жисмонан соғлом,
ақлан етук, ахлоқий ва маънавий жиҳат-
дан баркамол улғайишлари учун шаро-
итлар бажо этилган.

Президентимиз томонидан 2000 йил «Соғ-
лом авлод йили» деб эълон қилиниши боғча
ҳаётида ҳам бўрилиш ясади. Ёш авлодни тар-
биялашда боғча жамоасининг маҳалла, оила,
мактаб билан ҳамкорлиқдаги сайёҳ-ҳаракатла-
ри яхша самара берапти. Шу сабабли тарбия-
ланувчиларнинг оиласи билан яқиндан тани-
шиб, намунавий оилалардан маслаҳатлар оли-
моқда, керак бўлганда ёш оналарга маслаҳат-
лар бериб, бола тарбиясида соғлом муҳит
яратишга ҳаракат қилинмоқда.

Болажонларнинг жисмонан соғлом, бақув-
ват бўлиб ўсишлари учун кун тартибига риоя
қилиш, овқатланиши ташкил этиш, физиоте-
рапевтик муолажаларга мунтазам эътибор бе-
рилмоқда.

Қундалик машғулотлардан ташқари болалар-
нинг интилиши, қизиқиши, қўбилишлари
ҳисобга олинган ҳолда турли тўғарақлар таш-
кил этилган. «Асалтой» кўғирчоқ театри, «Мо-
ҳир кўлар», «Ширинтой» рақс тўғарақлари,
«Қўғирчоқча» болалар чолғу
оркестри, «Сехрли эртас»
музыкавий театрлаштирилган
болалар студияси, «Қувноқ
болалар» спорт-акробатик
секцияси, шашка, англиз
тилини ўрганиш тўғарақлари
ишлаб турибди.

Бу ишларда боғча муди-
раси Муътабар Алимтеева,
музыка раҳбари Наталия Би-
чик, 1-тоифали тайёрлов
гурух тарбиячиси Шохиста
Хошимова, 1-тоифали илк
гурух тарбиячиси Людмила
Шалигина, 2-тоифали катта
гурух тарбиячиси Гүлнора
Мирмақсудова, мутахассис
тарбиячилар Дилором Ка-
римова, Зулхумор Аҳмедова,
Наргиза Сайдуллаевалар, ай-
ниқса, жонбозлик қилимоқда-
лар. 25/05 автокорхонаси
эса хомий сифатида 1995
йилдан бери боғчага яқин-
дан ёрдам бериб келади.

«Қуёш» болалар боғчаси-
даги болаларнинг қалбига
меҳр қуёши нур сочиб ту-
рибди.



СУРАТЛАРДА: боғча ҳаётидан лавҳалар.
Даврон АҲМАД олган суратлар.



Об-ҳавони қузатиш бош
башқармасидан хабар
қилишларига, 28 июнь-2
июль кунлари пойтахтимиз
ва Тошкент вилоятида об-
ҳаво ўзгариб туради. Айрим
худудларда қисқа муддатли

ёмғир ёғиб, момақалдирак
бўлиши эҳтимоли бор. Шу
даврнинг қолган кунларида
ҳарорат бироз кўтарилади.
Кечалари 17-22, кундузлари
эса, 31-40 даража атрофида
иссиқ бўлиши кутулади.

СУВ ОСТИДА ҲУШТАК ЧАЛМАНГ

Америка Қўшма Штатларининг ҳар бир
штатида ўзига хос гаройиб қондалар ма-
жуд. Уларни ўқиб ҳайрон қоласиз, ажаблани-
сиз. Лекин барчаси амалда қўйилмади.

● Айдахо штатида тўяда ўтириб балиқ
тутганлар ҳибсга олинди.

Аризона штатида ўз ваннасида эшакни
ухлатиб қўйганлар катта миқдорда жари-
ма тўлабди.

● Атлантада жирафани телефон усту-
нига боғлаб қўйиш ман қилинади.

● Балтиморда кимки театрга арслонни
етақлаб келса, қондан бўзган саналади.

● Техасда меҳмонхонанинг иккинчи

қаватидан туриб, бизонларни отиш мумкин
эмас.

● Аляскада суратга олиш мақсадида ух-
лаб ётган айиқларни уйғотишга йўл қўйил-
мади.

● Миннесотада чап қўлини остига қўйиб
ухлаб қолса, ким бўлишдан қатъий назар,
ҳибсга олинди.

● Иллинойс штатидаги Юрек шаҳарча-
сида мўйловли эркаклар аёлларни ўлиши-
га йўл қўйилмади.

● Флоридада қўнига учтадан лиқобча син-
дирадиган йўл бекалари қонун бўйича жазо-
ланадилар.

● Вермонда сув остида ҳуштак чалиш мумкин эмас.

● Калифорниянинг Чика шаҳарчасида ҳаммасидан
ошиб тўшадиган қонда бор: кимки ядро қурилмасини
портлатиб юбурса 500 доллар жарима тўлайди.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси жамоаси меҳнат фах-
рийси, кекса журналист Исмоил Сулаймоновга во-
лодаи муҳтарамаси

Муборак ая НАЗИРБЕКОВАнинг
вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдард-
лик билдиради.

● Ёшлон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун рек-
лама ва эълон берувчилар
масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-505. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚҲҚОРОВ. Адади 9.405 нусха.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
•
TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Мазлими:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва оммавий ишлар
бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-40-48,
136-57-27.